

Бугун-Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кун

КАФТИМДАСАН, БОЛАЖОН!

Ҳамма яхши нарсалар — болаларга.
В. И. ЛЕНИН.

• Ғамхўрлик

ҲАЁТИМИЗ ГУЛЛАРИ

Болалар ҳақида қайғуриш — жамият маънавий соғломлигининг, унинг тарихий-маънавий мероси аёндаларига содиқлигининг меъзони. Совет болалар фонди республика бўлимининг вазифалари кенг ва хилма-хилдир. Улар партия, совет ва комсомол органлари, турли жамоат ташкилотлари ва кўчаларнинг яқиндан ёрдами билан амалга оширилади.

Фонд фаолияти фақат болалар муаммоларининг ҳал этиш билан чекланмайди. Улар билан оналар билан ҳам шуғулланади. Маънавий муҳит бузилган оилада болалар оғир аҳволга тушибди сир эмас. Ота-онаси ҳаёт бўлган етимлар, болалар ўлимининг тобора кўпайиб бораётгани бунга яққол мисол бўла олади. Болалар ҳаётининг бундай поймол этилишида ота-оналар айбдор бўлаётган кўпалаб мисолларни келтириш мумкин.

Нотинч оналар, спиртли ичимликлар, гийҳвандликка берилган оналар кам эмас. Натанжада гўдаклар жисмоний ва ақлий макруҳ бўлиб туғилиши ҳоллари кўпаймоқда. Улар учун махсус интернатлар очилиб, минглаб болалар уларга жалб этилмоқда.

Республикада тўрт ярим минг бола гўдаклар ва болалар уйларида, махсус мактаб-интернатларда тарбияланаётган. Уларнинг тўқсон фоизи тирик етимлар. Гийҳвандликлар, ичкиликка руҳ қўйганликлар ёки бемехриликлар учун ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган кишилар ҳам бор.

Оила муаммосини, болаларнинг муҳофаза қилиниши ўрганиш, ҳуқуқ бузиш ҳолларининг олдини олиш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш бўйича идоралараро илмий-методик марказ тузиш керакка ўхшаб қолди. Унга аҳоли педагог ва психологлар, врачлар, юристлар, социологлар, экономист ва демографларни жалб этиш мўлжалланмоқда.

Маълумки, гўдаклар уйларида янги туғилган чақалоқдан тортиб, уч ёшгача бўлган кичкинтойлар тарбияланади. Ҳар бир гуруҳда 15—17 нафар бола бор. Уларга битта тарбиячи қарайди. Бир киши шунча болани аслами осон эмас. Аслида гуруҳда болалар сонини ўнгалган ошмаслиги керак. Бу эса йиллик иш ҳақи фонди тарбиячилар учун мўлжалланган қўшимча иш ўрни жорий этишни талаб қилади. Давлат бу иш учун пулни 1990 йилдан бошлаб ажратди. 1988—1989 йилларда эса болалар гуруҳларини кенгайтириш учун маблагини Болалар фонди беради. Бу қарорни жамоатчилик қўллаб-қувватлади. Улар 707-хисобига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўзбекистонда болалар ўлимининг содир бўлаётганини ниҳоятда ташвишланишарди ҳол. Гўдаклар ўлимига қарши кескин курашиш керак. Бу биринчи навбатда ахлоқий-сиёсий вазифадир.

Республикадаги иқтисодий ва маданий шарт-шароитлар, медицина муассасаларининг моддий-техника таъминоти даражаси пастлиги, социал соҳада эса жўнгина тиббий ва гигиеник талабларга эриш бўлган аёндалар ва бидъатларнинг ҳуқуқдорлик қийратиш ҳуқуқидан кўпгина фактлар мавжуд.

Бизда ўткир юқумли ичак касалликлари билан оғри-

ган болалар май ойида 6 баробар, июнь ойида 16, июль ойида 24, августда эса 18 баробар кўпаяди.

Болалар фонди ўз маблагини ҳисобига жўллардан врач ва мутахассисларни таклиф эта олади. Медицина бригадаларининг иши, албатта, самара беради. Лекин бу борада тўз ўзгариш ясаш учун республика Соғлиқни сақлаш вазирлигини, област соғлиқни сақлаш бўлимлари ҳузурида бош мутахассислардан иборат махсус ишончли врачлар институтини жорий этиш зарур, деб ўйлаймиз. Ўзбекистонда 10 минг болага ўртача 13,5 педиатр тўғри келади. Тошкентда болалар врачлари штатда белгиланганидан кўпроқдир. Болалар врачларига эҳтиёж сезилиб турган қишлоқ районларида эса 3—5 минг болага битта педиатр тўғри келади. Бу болалар врачларининг нотекис таъсирланганини кўрсатиб турибди.

Врач фақат касалликни даволамайди, балки ўзига хос маданий ниқлобни амалга ошириши, одамлар онгига бурилиш ясаши керак. Врачга аёллар ва болаларнинг меҳнати билан боғлиқ бўлган айрим масалалар ҳусусида, соғлиқни сақлаш ва социал турмуш масалаларига доир маҳаллий органлар чинараган қарорни агар у номақбул бўлса, рад этиш ҳуқуқи берилиши керак.

Инвалид, туғма майиб-макруҳ болалар тақдирга ким бефарқ қарай олади? Йқин қаришдошларининг оила қуриши, бир-бирига мос тушмаган ген оқибатида туғилишидан азоб-уқубат чекишга маҳкумлигининг олдини олиш мумкин-ку, ахир! Хомладорлигининг дастлабки босқичда алаҳқачон синовдан ўтган текшириш системаси бор. Бундай анализ қимматга тушмайди. Лекин қанчадан-қанча бахтсизликларнинг олдини олади. Болалар фондида генетик консултациялар тармоғини бунёд этиш учун қанча зарур бўлса, шунча маблаг сарфлашга тайёрдир. Бундай консултацияларда бўлажак оналар медицина кўригидан ўтиши ва зарур бўлиб қолса, малакали ёрдам олиши мумкин.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, пахта далаларига йиллаб сеппилган захарли химикатлар, сувнинг таркибидан нормадан ортиқ туз болалар саломатлигига путур етказмоқда. Ўза парваридида тортиб, пахтаини йиғиб-териб олишгача бўлган оғир меҳнат жараёнига болалар ҳануз жалб этилаётган. Оқибатда, болаларининг бир томондан билимларини яхши ўзлаштиришга имкон бўлсалар, иккинчи томондан химикатлардан таъсирланган, касалликка чалинмоқдалар. Ваъжид эса ҳомиладор она ҳам бундан азият чекумда.

Етимлар, гўдаклар, болалар уйлари, мактаб-интернатлар проблемалари ҳамма вақт олдиди диққат-марказидир. Болалар фонди кўп болали оилаларга ҳам бефарқ қарай олмайди. Республикада 650 минг кўп болали оила бор.

В. И. Ленин номидаги Совет болалар фондининг устанда баянланган, республика болалар фонди оила мустақамлигини таъминлаш, жамият эътиборини еш авлод тарбиясига қаратиш, болаларга нисбатан ёмон муносабатда бўлишга қарши кураш, тарбиянинг моддий базасини яхшилаш, ёш талантларни ҳамма соҳада қўллаб-қувватлаш, етим-есир, ногирон болаларга алоҳида ғамхўрлик қилиш, шунингдек, уруш ва табиий офатлардан зарар кўрган дунё болаларига ёрдам қўлини узатиш ишидаги саъйи ҳаракатларини бирлаштирилади.

И. ЮСУПОВА, В. И. Ленин номидаги Совет болалар фонди Ўзбекистон бўлими раисининг биринчи ўринбосари.



Тошкентдаги 22-болалар уйи тарбияланувчиларидан бир гуруҳни табиат қўйида.

С. МАҲКАМОВ ФОТОС.

Ўқисик болани кўрсанг қалбинг ларзага тушади. Ердамга ошиқасан. У ўзингичими ёки бошқа маҳалла, бошқа миллат боласими, барибир, кучоғингни очсан, оувтасан, алдалайсан...

Улуғ Ватан уруши йилларида ўз ота-оналаридан жудо бўлган минг-минглаб гўдакларни бағрига олган Ўзбекистон меҳнаткашларининг қалби ана шундай, офтобдай иссиқ, заминдай мурувватли, самодек юксак эди. Оғир уруш йиллари меҳр-оқибатдан, яхшилик қилиш истагидан ортиқроқ бойлигимиз йўқ эди...

МЕҲРИНГИЗНИ ДАРИҒ ТУТМАНГ

Меҳр бор жойда бир майишни қирқ киши бўлиб еди, деса ишонинг, ўзи емай, ўзи киймай, муҳтонларга едирди, кийдирди деса ишонинг керак. Она-Ватанга, инсонларга меҳр-оқибат Буюк Ғалабага етаклаб келган, деса ишонинг керак! Негаки, бунинг биз бошимиздан кечирдик. Совет халқи ўзининг ана шу инсонпарварлик ҳуш-тўғуларини, фазилатларини билан бошқа халқларга ибрат бўлолди.

Болаларварлик инсонпарварлигининг энг буюк қўриғидир. Фарзандлар деб ишлаймиз, курашамиз, яшаймиз...

Ватанимиз оғир қуиларни бошидан кечирган Улуғ Ватан уруши йиллари ош-нон тақчил эди. Ош-нон мўл-кўл бўлган бугунги кунда нега энди меҳр-оқибат тақчил бўлган? Нега энди хозирги тўқчилик замонада болаларимиз тақдирини учун бонг урғамиз? Бунга ким, нима сабаб?

Биринчи навбатда оила. Нотинч оила. Минг-минглаб тирик етимларни кўз олдинга келтириш. Улар ҳаётга енгил муносабатнинг, худбинлигининг қурбонлари.

Болаларини тирик етим қилаётган бундай ота-оналарга жамоатчилик таъсирини кучайтириш керак. Маҳалла ва посёлкаларда, ҳўжаллик ва корхоналарда шундай иш-

ларни ўртоқлик судида кўриш ва улардан давлат фойдасига нафақа ундириш лозим.

Бугунги кунда аёл — врач, аёл — ўқитувчи, аёл — космонавт, аёл — пахтакор, тўқувчи... У эгалламаган касб-корининг ўзи йўқ. Лекин, аёл аввало она, аёл — аёл бўлишини истаймиз. Болалар она меҳридан баҳраманд бўлишларини истаймиз. Бу тирик етимларни, болалар уйлари, интернатларни қайтаришнинг энг биринчи омилидир.

Азиз юртдошлар, бизнинг даврда меҳр-шафқатга муҳтож тирик етимлар, ногирон болалар, гўдаклар бор экан, бунга бефарқ қараб, парвосиз яшаб бўладими? Йўқ, албатта. Ҳар бир бола тақдирига ўзимизни масъул билиб қалбига кириб боришимиз керак. У ҳаётда ўз ўрнини топиб, фаол меҳнат қилишига ёрдамлашимиз даркор.

Мактабгача болалар ташкилотларида жамоатчилик асосида оналар кенгаши ташкил этиб, уларнинг боғча-ясли ишларини назорат қилишларини кучайтириш керак. Ота-оналар, кенг жамоатчилик боғча-ясли, мактаблар, болалар санаторийлари қўриқларига ҳашар йўли билан ёрдам берсалар, нур устига-нур бўлади. Болаларга ўз касб-кори, ҳўнарини ўргатишга шай турган меҳнат, уруш ветеранларини таъриқлаймиз.

Кечагина Ғалаба кўнини нишонладик. Буюк шодиёнага етаклаган халқимиз жасорати кўз ўнгимизда яна бир бор жонланди: танклар ва самолётлар ясаш учун тилла тақинчоқларини давлатга топшираётган Ўзбекистон қизлари, вагон-вагон мева-чевааларни фронтга йўллаётган боғбонлар, эвакуация қилиб олиб келинган эшелон-эшелон етим болаларларини фарзандликка олаётган отахон ва онахонларимиз...

Биз ўша мурувватли, бағри кенг, меҳри кўёш одамларнинг авлодларимиз. Уларга ҳақиқат муносиб бўлиб қолганимиз керак. Ҳаммамиз қўли қўлга бериб, болаларимиз бахт-саодати учун биргаликда курашайлик. Болалардан меҳрингизни дариг тутманг, азиз одамлар!

Р. ҒУЛОМОВ, Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг раиси.

В. ОДИЛОВ, В. П. Чкалов номи Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси тоқари, КПСС Марказий ревизия комиссияси аъзоси.

ЗУЛФИЯ, Ўзбекистон ССР халқ шoirи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

А. ХЛЕБУШКИНА, Тошкентдаги 22-болалар уйининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

М. ЕҒУБОВА, Урганч шаҳридаги 94-мактаб-интернат директори, СССР халқ ўқитувчиси.

Э. ВОҲИДОВ, Ўзбекистон ССР халқ шoirи.

• Меҳнат тарбияси

ҲУНАРЛИНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ

Самарқанддаги 6-махсус санаторий типидagi болалар уйидаги ўқув устаноналари ҳамма вақт гавжум. Тарбияланувчиларга ёғоч, темир, ганч ўймакорлиги ва бошқа материаллардан турли-туман маҳсулотлар ясашни кўнгил билан ўргатишда малакали ўқитувчилар сабот билан дарс беришаётган.

Иттифоқимизда биринчи марта 6-болалар уйи тарбияланувчилари ўзлари ясаган 21 хил маҳсулот билан Бунтинттифоқ Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасида иштирок этишга муяссар бўлдилар ва кўргазманинг II даражали дипломи билан тақдирландилар.

Болалар уйда ўқувчиларни меҳнатнинг бошқа турларига жалб этиш ҳам яхши йўлга қўйилган. 7—8-синф ўқувчилари ипак қўрти парварлишида фаол қатнашиб келадилар. Улар пул мукофотлари олган ҳоллар ҳам бўлган. Пилла боқишда намуна кўрсатган А. Шомуродов, П. Березовский, А. Силверенко, К. Юсупова каби болалар уйининг 12 тарбияланувчиси илгор пиллакорлар гуруҳи билан Москва шаҳрига бепул саёҳат қилиб келдилар.

Шаҳардаги 10-болалар уйи қошида 19 та тўғарак муҳтамак ишлаб туради. Бу тўғаракларнинг ҳар бири болалар истеъдодини камол топтириш, уларни ҳўнарни қилиш учун хизмат қилмоқда.

11-болалар уйининг ёрдамчи ҳўжалиги ва дам олиш лагерини Пайариқ районининг сўлим тўшасида жойлашган. Болалар ёғи дам олиш қунари бу ерда меҳнат қилишади. Турли сабзавот ва ме-

валар етиштиридилар, асалари боқадилар.

Жўма шаҳрида жойлашган 55-мактаб интернатда 300 бола таълим-тарбия оляпти. Уларнинг аксарияти хоккейга жўда қизиқадилар. Ташкил этилган чим хоккей командасининг фаолияти диққатга сазовор. Спортда илгор болалар мактаб-интернат территориясидаги ёрдамчи ҳўжалик ишларида ҳам берилиб меҳнат қиладилар. 17 бош ситир улар ёрдами билан парварлиш қилинмоқда. Ём-хашакни ҳам болаларнинг ўзлари етиштиридилар ва қишлоқ учун ғамлайдилар.

Болалар уйларида тарбияланувчиларнинг меҳнат кўникмасига, ҳўнарни бўлишга ўргатилаётгани ниҳоятда қўноварли ҳолдир. Лекин 10-болалар уйидаги спорт майдончалари ва ишпоотлари, маданий дам олиш, ҳордиқ чиқариш жойлари талаб даражасида деб бўлмайди. Болалар уйи жойлашган бино ниҳоятда эскириб кетган. Шаҳардаги 11-болалар уйи, Жўма шаҳридаги 55-мактаб-интернатда кир ювиш ва куришти хоналари, ҳаммом биналари кенгайтирилиши ва капитал ремонт қилиниши керак.

Шуниси диққатга сазоворки, бу масканларда баъзи бир ремонтлаб ишларни болаларнинг ўзлари бажариб қўймоқдалар. Ёки моҳир усталарга яқиндан ёрдам бериб, ремонт ишларини тезлатмоқдалар. Ҳўнарнининг қўли гул, деб шунга айтадилар-да.

О. МУСУРМОНОВА, педагогика фанлари кандидати.

Болалар — келажакимиз

Болалар — бизнинг келажакимиз! Улар мақсад ва ғояларимиз йўлида курашмоқ учун билим билан яхши қўролланган бўлишлари керак.

Н. К. КРУПСКАЯ.

Болалар эртанги кунинингнинг ҳакамлари, қарашларимиз, ишларимизнинг мунаққидларидир, улар янги турмуш формаларини бунёд этиш учун улуғ ишларга чоғланиб,

дунёга келган кишилардир.

М. ГОРЬКИЙ.

Халқнинг бахт-саодати болаларни тўғри тарбиялашга боғлиқ.

Ж. ЛОКК.

Ҳозирги ота-оналар фарзандларига тарбия бера туриб, Ватанимизнинг истиқбол тарихини, демократия, жаҳон тарихини тарбиялайдилар.

А. С. МАКАРЕНКО.

СССР НАРХ ДАВЛАТ КОМИТЕТИДА

СССР Нарх давлат комитети аҳолидан сотиб олинган буюмлар ва синиқ парчалардаги олтин ҳамда платина учун 1988 йил 1 июндан бошлаб ҳар граммга 55 сўм, химиявий жиҳатдан соф кумушнинг ҳар граммга 1 сўм 20 тийин миқдорда нарх белгиледи. Буюмлар ва уларнинг парчаларидаги олтин ва платинанинг нархи ўртача 19,5 процент, кумушнинг нархи ўртача 13,5 процент оширилмоқда.



Она билан бола — гул билан лола.

Н. ШАРИПОВ ФОТОЭТЮДИ.

ҲИММАТИНГИЗ УЧУН МИНГ РАҲМАТ!

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СОВЕТ БОЛАЛАР ФОНДИ ҲИСОБИГА

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овозловатиш бoш бошқармаси 1987 йил учун социалистик муСОбақа бўйича муКОфотдан 2225 сўм, Акмал Ибромов район ижроия комитети бир кунлик иш ҳақидан чегириб қолинган 287 сўм, Тошкент область адвокатлар коллегияси касеба союз коллективини 400 сўм, Келес шаҳридаги 3-мактаб (117 сўм), 20-мактаб (100 сўм), Тошкент районидаги 4-мактаб (50 сўм) ўқувчилари мактаб ёрдамчи ҳўжаликларига етиштирилган маҳсулотлардан олинган даромадларини, «Регина» кооперативи тушган даромадлардан 500 сўм, рес-

публика марказий шиФОхонаси ходимлари 150 сўм, республика кар-соқовлар жамияти 60 минг сўм, Тошкент Давлат университетининг доцентини Мухтор Шапсанов ўзи туғилиб ўсган қишлоқ болалари учун мактаб қурилишига 30 минг сўм, шу қишлоқда ертезиан қудуғи қезиш учун яна 10 минг сўм, «Ўзбекфильм» режиссёри Светлана Муродхўжаева минг сўм қалам ҳақини, «Промжильводстрой» ходимаси И. Ғиёсова минг сўм, Тошкент район комсомол комитети ходими Н. Селиверстова 40 сўм, Тошкент техника уйи ходими В. Ашқин 104 сўм ўтказдилар.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ФАЗИЛАТИ

ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

Номоз Узоқов Улуғ Ватан уруши йилларида Киев шаҳрини озод қилиш учун бўлган шиддатли жангларда қатнашиб, оғир яраланди. У Нарий районидagi она қишлоғи Пускаронга қайтиб, қолқозда ишлаб боляди. Уруш бундаги турмуш маромини ҳам издан чикарган эди. Уша келарми уруш туғайли етим қолган болалардан Самарқандга эвакуация қилинаётганиди. Тақдир тақозоси билан қишлоққа келиб қолган Ҳофиз исми таер боласи Номоз ака қонадондан бошланча топди. У умр йўлдоши Ҳайит опа билан биргаликда Ҳофизни оқ юзиб, оқ тараб воёга етказди. У фарзандларидан кам кўришмади. Сўнгра ота-онасидан эрта етим қолган Шукур исми болани ҳам ўз қарамогларига олишди.

Кейин Назаржон, Ибод, ака-ўка Шокир ва Аслон келишди... Шундай қилиб, эр-хотин ўзларининг уч ўғил ва бир қизларидан ташкари олти етим болани ҳам бағриларига олиб, воёга етказиб, уйлантириб, уй-жойли қилишди.

Ҳозир Ҳофиз «Победа» колхозининг илгор механизатори, қолганлари эр-журт хизматда. Меҳнатсевар кишилар сифатида ҳўрматга сазовор.

Яқинда Номоз бобо билан Ҳайит момонинг «олтин тўйи» бўлиб ўтди. Тўйда уларни ўн фарзандлари, йигирма неваралари ва бутун қишлоқ аҳли қизгин кутладилар.

И. УРИНОВ, А. ЭРДОНОВ.

Ушбу саҳифада қатнашган авторларнинг илтимосларига кўра қалам ҳақи В. И. Ленин номи Совет болалар фонди — 707-хисобига ўтказилади.

